

ХУДОЯРОВ Анвар Анджанович
 Ўзбекистон халқаро ислом академияси
 Ислам иқтисодиёти ва молияси,
 зиёрат туризми кафедраси доценти
 anvarxuloyorov111@gmail.com

ЗИЁРАТ ТУРИЗМИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ТУРИЗМ ИНДУСТРИЯСИДА ЯХЛИТ ТИЗИМ СИФАТИДА РИВОЖЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

ОСОБЕННОСТИ РАЗВИТИЯ ПАЛОМНИЧЕСКОГО ТУРИЗМА КАК ЦЕЛОСТНОЙ СИСТЕМЫ В ТУРИСТИЧЕСКОЙ ОТРАСЛИ УЗБЕКИСТАНА

FEATURES OF THE DEVELOPMENT OF PILGRIM TOURISM AS AN INTEGRAL SYSTEM IN THE TOURISM INDUSTRY OF UZBEKISTAN

Аннотация. Мазкур мақолада зиёрат туризмнинг хусусиятлари, ўзаро муносабатлари ва таъсири орқали уйғунликдаги ва ўзаро тартибга солувчи институтлар ҳаракатлари натижасида тизимга хос бўлган яхлитликдан иборат. Бизнинг фикримизча, зиёрат туризмнинг мавжуд тизими сифатидаги элементлари, тизимли назария ва тизимли таҳлилга хос назарий-методологик ёндашувлар оқибатида вужудга келади ва такомиллашиб боради. Мақолада шунингдек зиёрат туризмни ташкил қилиш ва ривожлантириш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи ташкилий-иқтисодий жиҳатлари ҳамда бошқарув механизмлари кўриб чиқилган.

Таянч сўзлар: ҳуқуқий асослар, ҳуқуқий-иқтисодий база, тизим, элементлар, бошқарув, диверсификация, зиёрат туризми, тадбиркорлик, стандарт, ҳамкорлик, хавфсизлик, мажмуа, яхлитлик.

Аннотация. В данной статье специфика паломнического туризма в Узбекистане отражаются, как единая система управления гармоничных и межрегулирующих институтов через их взаимодействие и влияние. В нашей стране

элементы существующей системы паломнического туризма формируются и совершенствуются в результате теоретических и методологических подходов, характерных для теории систем и системного анализа. В статье также рассматриваются организационно-системные аспекты управления паломнического туризма.

Ключевые слова: правовая база, система, элементы, менеджмент, диверсификация, паломнический туризм, предпринимательство, стандарт, сотрудничество, опыт, безопасность, экономическая база, комплекс, целостность.

Annotation. In this article, the specificity of pilgrim tourism in Uzbekistan is reflected as a unified management system for harmonious and inter-regulatory institutions through their interaction and influence. In our country, the elements of the existing system of pilgrim tourism are formed and improved as a result of theoretical and methodological approaches characteristic of systems theory and systems analysis. The article also examines the organizational and systemic aspects of pilgrim tourism management.

Keywords: legal base, economic base, system, elements, management, diversification, cluster, pilgrimage tourism, entrepreneurship, standard, cooperation, experience, security, complex, integrity.

КИРИШ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган 2019-2025 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш Концепциясида жозибador ва рақобатбардош туристик маҳсулотлар, шу жумладан, мамлакат ҳудудларида тематик туристик зоналар ва кластерларни яратиш вазифаси қўйилган. Кластерлар, жумладан, туристик кластерлар ўзига хос инновацион тизим бўлиб, юртимиз иқтисодиётининг самарали ривожланиши, унинг рақобатбардошлигини ошириш, фан, кадрлар тайёрлаш тизими ва бизнес ўртасида ҳамкорликни кучайтиришда устувор аҳамиятга эга.

Таҳлилларимизга кўра Ўзбекистон туризм индустриясида зиёрат туризми ўзига хос жиҳатлари, хусусиятлари билан боғланган элементлар мажмуидан иборат тизим сифатида шаклланган. Зиёрат туризми билан боғлиқ тизимни ҳар хил мезонларга кўра таснифлаш мумкин бўлади. Тадқиқ этилаётган зиёрат туризми билан боғлиқ тизимни синфлашнинг асосий усуллари сифатида; тизимнинг келиб

чикишига кўра; тизимнинг атроф-муҳитга муносабатига кўра; тизим ишлаш қонуни, қонуниятларига кўра белгиланиши мақсадга мувофиқ бўлади деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон туризм индустриясида зиёрат туризми бозори ривожланишига тизимли ёндашув, унга миллий иқтисодиётнинг турли хил бўғинлари доирасидаги ўзаро ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг ҳослигидан, туристик фаолиятнинг комплексли хусусиятидан унинг макро-тизимнинг таркибий қисми эканлиги юзага келади.

Ўзбекистон зиёрат туризмнинг хусусиятлари, авваламбор, ўзаро муносабатлари ва таъсири орқали уйғунликдаги ва ўзаро тартибга солувчи институтлар ҳаракатлари натижасида тизимга ҳос бўлган яхлитлик хусусиятини намоён этади.

Диёримизда зиёрат туризмнинг яхлитлиги тизимнинг мавжудлиги ва унинг самарали фаолиятини мустаҳкамлайди. Бизнинг фикримизча, зиёрат туризмнинг мавжуд тизими сифатидаги элементлари, тизимли назария ва тизимли таҳлилга ҳос назарий-методологик ёндашувлар оқибатида вужудга келади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Зиёрат туризмнинг тизимли шаклланиши ва такомиллашиб бориш хусусиятларини ўрганиш бугунги кунда муҳим аҳамиятга эга. Халқаро миқёсда тегишли мутахасис ва олимлари томонидан тизимлар назарияси тадқиқ этилиши зиёрат туризмнинг тизимли ривожланишида муайян назарий ёндашувларга сабаб бўлмоқда.

Тизимлар назариясининг ривожланиши даврида “тизим” тушунчаси мутахасис олимлар томонидан турли илмий адабиётларда мазмунан яқин бўлган таърифлар келтирилган.

Жумладан; “ўзаро таъсири ва ўзаро муносабатлари диққат марказидаги фойдали натижани олиш мақсадида ўзаро кўмаклашиш” характерини олувчи, танлаб жалб қилинган компонентлар мажмуи” [1] “ўзаро боғлиқликда ва бирликдаги элементлар мажмуи” [2] “тизимли хусусиятларга эга объектлар тўплами, ҳамда объектлар ва уларнинг хусусиятлари

ўртасидаги алоқалар тўплами” [3] “бир-бирлари ва ўзларининг атрибутлари билан ўзаро боғлиқликдаги элементлар тўплами”, “элементларнинг шундай ташкиллаштирилган мажмуи, бирор бир элементнинг ўзгариши, чиқиб кетиши ёки янги элементнинг киритилиши бошқа элементларда қонуний тарзда акс этади”, [4] “бўлақлардан иборат бир бутунлик; бир-бири билан алоқада ва боғлиқликда бўлган элементларнинг бирлашуви натижасидаги яхлитлик ва бирлик”, “интеграл хусусиятлар ва қонуниятларга эга барқарор яхлитлик ва бир бутунликни ҳосил қилувчи ўзаро боғланган элементлар тўплами”, [5] каби таърифлар илгари сурилган.

Жаҳон иқтисодиётида тизимлар назариясининг шаклланиши ва такомиллашуви даврида “тизим” тушунчасининг моҳиятини белгилаб берувчи таърифларнинг тизим ва унга ҳос қуйидаги тавсифлари келтирилган:

ўзига ҳос элементлар ўртасидаги тизимлиликни юзага келтирувчи методлар, воситалар ва алгоритмлардан иборат;

муайян яхлитликдаги фаолияти натижасида аниқ мақсадларни амалга оширувчи механизмлар йиғиндисидан иборат;

ўзига ҳос иқтисодий, ташкилий, ишлаб чиқариш, ижтимоий тузилмавий таркиб сифатида намоён бўлади.

Аниқ бир бутунликга эга элементлар ва аниқ умумий хусусиятларга эга элементларнинг уйғунлиги тизим тушунчасининг моҳиятини белгиловчи ҳамда унинг ривожланиш тенденцияларини акс эттирувчи хусусиятлардан ташкил топган. Зиёрат туризмни тадқиқ этар эканмиз, ўз навбатида юқорида келтирилган хусусиятлар тизимлар назарияси ва тизимли таҳлилга мос равишда «адсигтивлик қонунияти» ва «эмерджентлик қонунияти» сифатида намоён бўлади.

Таъкидлаш лозимки, тизимлар назариясига асосан тизим фаолиятининг мавжудлигини асословчи қонуниятларидан бири сифатида “коммутативлик” қонуният ҳисобланади. “коммутативлик” қонуниятига асосан «у (тизим) муҳит билан ўзига ҳос бирликни юзага келтиради, ҳамда муҳит билан турли хил коммуникациялар орқали боғланган» [6].

Аддитивлик (лот. аддитио – қўшмоқ) қонуниятига бўлиб, мустақил элементларга парчаланган тизимда намоён бўлувчи хусусиятларни юзага келтиради. Натижада тизимнинг хусусияти уни ташкил этувчи элементлари йиғиндисидан шаклланади.

“Биламизки, тизимли ёндашув ўрганилаётган объектни уйғунликдаги элементлар йиғиндиси ва улар ўртасидаги ўзаро алоқалар бирлиги сифатида, яъни уни тизим сифатида кўриб чиқишга асосланган тадқиқот методологиясининг йўналиши ҳисобланади. Натижада ёндашувлар асосида зиёрат туризм бозорини ўрганиш, унинг тизимга хос хусусиятларини тадқиқ этиш имкониятини юзага келтиради.” [7]. Зиёрат туризми бозорини тизим сифатидаги ўзига хос хусусиятларига эътибор қаратамиз. Назарий қонуниятга кўра, таъсир этувчи омилларнинг ўзгариши тизимнинг мослашишига, ҳамда бутун тизим фаолиятининг ва рентабелликнинг ўзгаришига олиб келади.

Зиёрат туризми тизим сифатида “очиқлиги” унинг ташқи муҳит билан яхлитликдаги механизм сифатида шаклланади ҳамда туризм индустриясида зиёрат туризми бозорининг макро-муҳити PESTLE-омиллари (Rolitical – сиёсий, Eкономикал- иқтисодий, Social- ижтимоий, Teshnological – технологик, Legal – ҳуқуқий, Eenvironmental – табиий) билан белгиланади. Натижада зиёрат туризмда амалдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ўрни, аҳамияти таъсир даражасига қараб белгиланадиган турли хил экстенсив ва интенсив, экзоген ва эндоген, ижобий ва салбий, статик ва динамик шунингдек айнан мазкур йўналишга хос бўлган омиллар таъсири натижасида вужудга келади. Таҳлиллардан келиб чиққан ҳолда, зиёрат туризмида таъсир этувчи омилларни сигментлаб кўриб чиқамиз.

– Зиёрат туризми тизимига хос бўлган “эмергентлик” хусусияти бошқа тизимлардан фарқ қилишини кўрсатади.

“Эмергентлик” хусусияти тизимнинг элементларига хос бўлмаган ва фақатгина ушбу элементларнинг ягона тизимда яхлитликдаги ҳаракатларида тавсиф акс этади. Зиёрат туризмнинг ривожланиб бориши ва такомиллашуви мазкур соҳада ижтимоий-

иқтисодий муносабатлар иштирокчилари сифатида иқтисодий тармоқ ташкилотларнинг иқтисодий ҳолатига ўз таъсирини ўтказиши ва натижада яхлитлик хусусиятини юзага келтиради.

- Тизим билан ташқи муҳит ўртасида чегараларнинг ўзгариши ҳамда ўзаро элементлар алмашинувида сабаб бўлувчи очиқ тизимга мос бўлган “коммутативлик” хусусият мавжуд бўлиб, тизимнинг такомиллашувида олиб келади. Иқтисодий глобал ривожланиш жараёни, илмий-технологик ривожланиш, транспорт логистикасининг ўсиб бориши зиёрат туризми бозорини ривожлантириб уни тизимга мос “коммутативлик” хусусиятини белгилайди.

Кенг тавсифига эга бўлган туристик маҳсулотни истеъмолчига етказиб беришга ихтисослашган зиёрат туризми яхлит тизим сифатида турли қорхона ва ташкилотларнинг узвий яхлитликдаги комплексдан иборатдир. Мазкур қорхона ва ташкилотларни шартли равишда сегментларга ажратиб ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади деб ҳисоблаймиз.

Халқаро меҳнат ташкилотининг маълумотларига кўра, бугунги кунда халқаро туризм тизимида дунёнинг меҳнатга лаёқатли аҳолисининг 284 млн. киши банддир.[8]. Шунингдек, бу тармоқда яратилган битта янги иш ўрни саноат тармоғига нисбатан 20 баробар арзонга тушади [9]. Бирор-бир мамлакатга ташриф буюрувчи ҳар 30 та турист бевосита битта ёки билвосита иккита янги иш ўринларини барпо қилишга имконият яратади [10].

Натижада, ҳулоса қилиш мумкинки, жаҳон иқтисодиётининг бошқа тармоқларига нисбатан туризм соҳаси нисбатан камроқ сарф-харажатлар эвазига кўпроқ иш ўринларини яратиши ва валюта тушумларини таъминлашида хизмат қилади.

Диёримизда туризмга оид илмий адабиётларда туризм индустрияси тушунчаси ҳар томонлама тадқиқ этилиб, ушбу соҳа мутахассисларидан бири И.С.Тухлиев томонидан унга: “Туризм индустрияси – бу меҳмонхоналар ва жойлаштириш воситалари, транспорт воситалари, умумий овқатланиш объектлари, кўнгил очиш объектлари ва воситалари, даволаш, соғломлаштириш, спортга

доир, диний-маросимчилик, ишбилармонликка ва бошқа мақсадларга молик воситалар, туризм операторлари ва туризм агентлигини амалга оширувчи, шунингдек, туризм инфратузилма ташкилотлари мажмуидан иборат бўлади” [11]. деб таъриф берилган.

Шунингдек Канадалик соҳа мутахассислари Канада туринадустрияси таркибини жами 41 турдаги хизмат турларидан иборат [12] деб эътироф этишса, америкалик экспертлар мамлакат туринадустрия таркибига 39 турдаги хизматларни киритишни лозим топилган.

Россиялик олимлар М.Э.Немоляева ва Л.Ф.Ходорковларнинг бу борадаги “Замонавий туризм индустрияси – бу инсонларнинг ташриф буюрган давлатларида пул тўланадиган касбий фаолиятдан ташқари исталган мақсадларда вақтинчалик кўчиб юришлари давомида вужудга келадиган талабларини қондиришга қаратилган ишлаб чиқарувчилар гуруҳидир” [13] деган фикрларини илгари суришган.

Бизнинг фикримизча, “туризм индустрияси” га берилган таърифларда унинг бутун кўламини қамраб олиш қийиндир. Шуларни инобатга олган ҳолда, биз юқорида олимлар ва мутахассислар томонидан “туризм” ”зиёрат туризми” тушунчасига келтирилган таърифлар таҳлили натижасида унинг моҳиятини очиб беришга икки ёқлама ёндашуви орқали шундай хулоса қилишимиз мумкин деб ҳисоблаймиз.:

биринчидан, ушбу тушунчани талқин этиш концепциясига “талаб” нуқтаи назаридан;

иккинчидан, “таклиф” нуқтаи назаридан ёндашувни кузатиш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, халқаро миқёсда туризмга оид келтирилган айрим фикрларда ушбу икки ёндашувни бирлаштиришга бўлган интилишларни ҳам намоён бўлмоқда. Жумладан Халқаро туризм Академияси вице-президенти М.Б.Биржаков “Туризм бу: биринчидан, туризмнинг аниқ мақсадлари асосида туристлар томонидан амалга ошириладиган саёҳатларнинг ўзига хос оммабоп шакли, яъни туристнинг фаолияти шакли; иккинчидан, ушбу саёҳатларни ташкиллаштириш ва амалга ошириш бўйича туристик фаолиятдир. Туристтик фаолият эса туризм индустрияси ва унга алоқадор тармоқ корхоналари томонидан амалга оширилади” [14] деган фикрни билдирган

Мамлакатимизда соҳанинг етакчи олимларидан бири Н.Тухлиевнинг бу борадаги: “Туризмни талаб ва таклифнинг комплекс тизими сифатида кўриб чиқиш мумкин, [15] деган фикрларини қўллаб-қувватлаган ҳолда “зиёроат туризми” тушунчасини талаб ва таклифнинг тизимли яхлит механизми нуқтаи назаридан кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади деб ҳисоблаймиз.

Зиёрат туризмнинг ўзига хос мураккаб жиҳатлари ва моҳиятини назарий ва амалий жиҳатдан ана шундай ёндашувлар асосида таҳлил этиш ва аниқлаш ҳамда амалий таклиф ва тавсияларни ушбу ёндашувлар асосида ишлаб чиқиш тадқиқотимизнинг асосий мақсади ва мазмунини ўз ичига олади.

Соҳа мутахассислар томонидан келтирилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда зиёрат туризмни туризм индустриясидаги тармоқлараро ишлаб чиқариш механизмидан ташкил топган мураккаб ташкилий-ижтимоий-иқтисодий тизим сифатида белгилаш мақсадга мувофиқ бўлади деб ҳисоблаймиз.

Таҳлилларга кўра зиёрат туризмнинг самарали ривожланиш тамойиллари, фикримизча, соҳани ривожлантириш хусусида тизимлар назарияси ва тизимли ёндашув асосидаги ривожланишнинг назарий жиҳатларида ўз аксини топади. Натижада, зиёрат туризми бозорининг мураккаб тизим сифатидаги хусусиятига мос равишда унинг ривожланишини таъминлайди [16].

Бу ўз навбатида ушбу тизим бўғинларининг яхлитликдаги ва ўзаро мосликдаги ҳаракатлари, уларнинг юқорироқ самара беришини тақозо этади. Тизимлар ўзига хос элементлар мажмуи билан ҳамда ўзининг тузилмавий характери билан, элементлар ўртасидаги муносабатлари билан, уларнинг ўзаро таъсир этиш методлари ҳамда ташқи муҳити билан боғлиқлигида характерланади.

Зиёрат туризмнинг ўзига хослиги моддий-техник, ижтимоий-иқтисодий, географик кўлами, табиий-географик, этнографик, ижтимоий хусусиятлари билан намоё бўлиб ривожланишини мувофиқлаштирувчи бошқарув тизимига эга. Илмий ишнинг тегишли таҳлилларидан келиб чиқиб, тадқиқотимиз

объекти сифатида Ўзбекистонда зиёрат туризми субъектлари фаолияти белгиланган.

Зиёрат туризми мураккаб ва очиқ иқтисодий тизимга хос бўлган тузилмавий характерга эга бўлиб қуйидаги тузилмавий таснифлардан, яъни:

- бозор механизми;
- ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизими;
- хўжалик юритишнинг ташкилий-хуқуқий шакллари;
- бозор субъектларини рағбатлантириш ва мотивлаштириш тизими
- туризм бозори инфратузилмаси каби элементларнинг яхлитлигидан иборат.

Шундай экан зиёрат туризмининг ривожлантириш механизми мазкур бозор элементларининг яхлитлигини таъминлайди.

Мазкур механизмга хос бўлган хусусиятларини аниқлаш учун, “механизм” тушунчасининг назарий талқинига эътибор қаратамиз. Дунё олимлари томонидан илмий тадқиқот объекти сифатида иқтисодий механизмларнинг вужудга келиши, уларнинг ишлашини ривожлантиришнинг назарий-методологик масалалари йигирманчи асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб илмий тадқиқотлар орқали ўрганилмоқда.

Таъкидлаш жойизки, бу борада бир қатор иқтисодчи олимлар: В.П.Москаленко, А.А.Кулман, И.Л.Ломакина, Б.А.Райзберг, ва бошқалар “иқтисодий механизм» моҳиятини очиб беришга бағишланган илмий тадқиқотлар олиб боришган. Жумладан, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатларнинг олимлари, хусусан , С.Т.Ахмедханова, И.С.Маркова ҳамда мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан М.Т.Алимова, Э.В.Голишева, А.Ф.Саидов ва бошқалар томонидан туризм соҳасининг турли йўналишларидаги “ташкилий-иқтисодий механизм”нинг моҳиятини назарий ҳамда амалий таҳлил этиш асосида, уни шакллантириш бўйича илмий хулоса ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган ва тавсия этилган.

Ўрганилган илмий адабиётларнинг назарий таҳлилидан тегишли хулоса қиладиган бўлсак, уларда иқтисодчи-олимлар «механизм» тушунчасининг моҳиятини талкин этишда

“иқтисодий механизм”, “ташкилий механизм”, “хўжалик механизми”, каби тушунчалар қўлланилган.

“Механизм” тушунчаси бирор бир асбоб, аппарат, машинани ҳаракатга келтирувчи ички қурилмаси маъносини англатади. Иқтисодий таълимотда эса “механизм” тушунчаси кўчма маънода ишлатилиб, унинг моҳияти: “бирор бир ҳаракат сифатида намоён бўлувчи ҳодиса ва жараёнларнинг кетма-кетлиги, шунингдек, бирор хил фаолият тартибини аниқловчи тузилма, тизим” [17] сифатида талкин этилади. Бунда баъзи бир иқтисодчи олимларнинг фикрига кўра, иқтисодиётда “механизм” тушунчасининг ишлатилишида: “ушбу фаолиятнинг аниқ натижага эришишини таъминлаш мақсадида мунтазам бошқарувни таъминловчи (иқтисодий, хўжалик, ташкилий) тизимнинг шаклланиши назарда тутилади”, шунингдек “механизм иқтисодий ҳодисаларнинг аниқ кетма-кетлиги ёки мажмудир” [18].

Ҳар қандай иқтисодий тизим каби зиёрат туризми ва унинг объектлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар бозор иқтисодиётининг тартибга солувчи механизмлари орқали тартибга солиб борилади. Зиёрат туризмининг ривожлантириш механизми сайёҳлик маҳсулотнинг истеъмолчиси ва сайёҳлик маҳсулот сотувчиси билан ижтимоий-иқтисодий муносабатларни яратиш ва тартибга солиш функциясини ўзаро яхлитликдаги тизимли боғлиқлиги ва алоқалари орқали амалга оширувчи иқтисодий, ижтимоий ва ташкилий тузилмаси ва институционаллик билан белгиланадиган усуллар, ўзига хос элементлар ва воситалар уйғунлигидир.

ХУЛОСА

“Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2016 йил 2-декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси президенти Фармонининг биринчи бандида “туризмни ривожлантиришнинг яхлит концепциясини шакллантириш ва изчил амалга ошириш, туризмга иқтисодиётнинг стратегик сектори мақомини бериш, таркибий ўзгартириш ва барқарор ривожланишнинг қудратли воситасига

айлантириш” вазифаси белгиланган бўлиб, халқаро ва миллий туризм индустриясида юртимиз сайёхлик минтақаларнинг рақобатбардошлиги даражасини тадқиқ этиш, рақобатбардошликнинг кўламини илмий жиҳатдан асослаш каби фундаментал илмий тадқиқотларни амалга ошириш, туризм, хусусан зиёрат туризми соҳасининг барқарор ривожланишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимларнинг фикрига кўра, «рақобат курашида кластерларга алоҳида ўрин ажратилади, сабаби улар бозор иқтисодиётининг бошқа институтлари, хусусан, ҳукумат, университетлар, компаниялар ва бошқаларнинг самарасини оширишга имкон беради» [21].

Мамлакатимизда тадқиқотчилар томонидан зиёрат туризми соҳасини ривожлантириш, унинг иқтисодиёти рақобатбардошлигини ошириш, соҳага хорижий инвестицияларни жалб этишда кластерли ёндашувдан фойдаланиш масалалари бўйича бир қанча илмий ишлар амалга оширилган.

Жумладан, М.Т.Алимова томонидан “Ўзбекистонда туристик ҳудуднинг рақобатбардошлигини оширишга қаратилган янги назарий ёндашувларни ишлаб чиқишга бўлган эҳтиёж дунё тажрибасини ўрганиб чиқишни талаб этмоқда. Бу борада тўпланган амалий ва назарий тажрибаларни таҳлил қиладиган бўлсак, инновацион ёндашувларга асосланган туризми кластерлари рақобатбардошлигини оширишнинг энг самарали шакиллardan бири ҳисобланади” [22] деб таъкидланган.

Бизнинг фикримизча, бундай метод ва методологиялар негизида Республикаимизда зиёрат туризм кластерларни шакллантиришнинг зарурий норматив-ҳуқуқий асосларини яратиш ва уни ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар маршрутини ишлаб чиқиш туризм бозори ривожланишининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи сифатида намоён бўлади.

Туризм индустриясида зиёрат туризмнинг тизимли хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, куйидаги ҳулосаларни келтирамыз:

– зиёрат туризмни қўллаб-қувватлаш борасида ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириб бориш.

– зиёрат туризмни самарали ривожлантириш мақсадида кластерли тизимини амалиётга тадбиқ этиш.

– юртимиздаги зиёратгоҳларини кластерлик даражасини белгилаш ва ягона реестр тизимига киритиш тавсия этилади;

– зиёрат туризми йўналишида қулай иқтисодий муҳитнинг яратилиши билан бир қаторда зиёрат туризми бозори субъектлари ўртасида ҳамкорлик муносабатларининг институционал асосларини такомиллаштириш, кластерли тизимитни илгари суриш билан мақсадга эришиш;

– зиёрат туризми самарали ривожланишининг муҳим ва зарурий омилларидан бири сифатида марказлаштирилган ахборотларнинг тизимли базасини такомиллаштириб бориш;

– зиёрат туризмнинг истикболини белгиловчи самарали ривожланиш стратегиясини мазкур бозорнинг ривожланиш тенденциялари ва хусусиятларига таянган ҳолда ишлаб чиқиш;

– зиёрат туризмнинг тегишли элементлари ҳамда мавжуд жараёнлар ва муносабатларни интеграциялашган инновацион механизм мажмуаси орқали бошқариш ва йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади;

– зиёрат туризмнинг тезкор ривожланиши, соҳасига ички ва хорижий инвестицияларни жалб қилишда давлат ва хусусий бизнес секторлари ҳамкорлигини амалий қўллаб қувватлаш механизмни такомиллаштириш;

– зиёрат туризмнинг рақобатбардошлигини таъминлаш мақсадида интеграциялашган маркетинг тизимини амалиётда кен қўллаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз..

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Анохин П.К. Избранные труды философские аспекты теории систем / П.К. Анохин. – М.: Наука, 1978.
2. Берталанфи Л. фон. Общая теория систем – критический обзор // Исследования по общей теории систем: Сборник переводов / Общ. ред. и вст. ст. В. Н. Садовского и Э. Г. Юдина. – М.: Прогресс, 1969. – С. 23-82.

3. Райзберг Б.А. Современный экономический словарь / Б.А. Райзберг, Л.М. Лозовский, Б.А. Стародубцева. – М.: ИНФРА-М, 1996. – 496 с.
4. Топоров В. Н. Из области теоретической топономастики // Вопросы
5. Клир Д. Системология / Д. Клир. – М.: Радио и связь, 1973. – 262 с.
6. Теория систем и системный анализ в управлении организациями. Под редакцией В.Н.Волковой, А.А.Емильянова. – М.: Финансы и статистика, 2006. – 848 с.
7. Худояров А.А. Ўзбекистонда зиёрат туризмни ривожлантиришнинг ташкилий иқтисодий механизмлари” монография Т.«Сомплекс принт» нашриёти, 2021.285.б
8. Travel&Tourism Economic. Impact 2016. World, <http://www.wttc.org>.
9. Стрельников А.В. Организационно-экономический механизм обеспечения конкурентоспособности образовательных услуг вузов, занимающихся подготовкой кадров для сервиса и туризма: автореферат дисс. ... канд. экон. н. – Москва, 2012.
10. Богданов Ю.В. Развитие индустрии туризма как фактор социально- экономического роста региона (на примере Санкт-Петербурга и Ленинградской области) Автореферат дисс. кан. экон. н. Санкт-Петербург – 2004.
11. . Тухлиев И.С., Хайитбоев Р., Сафаров Б.Ш., Турсунова Г.Р. Туризм асослари. Дарслик. Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта Махсус Таълим Вазирлиги -Т.: Фан ва технология, 2014. – 332 б.
12. Российский туристский бюллетень. Туризм: информация, статистика, анализ. 1999. – №9.
13. Жукова М.А. Индустрия туризма: менеджмент организации. М.: Финансы и статистика, 2003. – 192 с.
14. Биржаков М. Б. Введение в туризм: изд. 9-е, перераб. и доп.СПб.: Издательский дом «Герда», 2007. – 576 с.
15. Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Основы безопасности в туризме. – Т.: Гос.науч.изд-во Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – 367 с.
16. Худояров А.А. Ўзбекистонда зиёрат туризмни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари: монография. – Т.: «Сомплекс принт» нашриёти, 2021. – 285 б.
17. Ожегов С.И. Толковый словарь русского языка [Электронный ресурс] / С.И. Ожегов, Н.Ю.Шведова. – М.: Азъ, 1992. – Режим доступа:
18. Кульман А. Экономические механизмы / Пер. с фр. А. Кульман; Под ред. Н.И. Хрустальной. М.: Прогресс-Универс, 1993. – 189 с.
19. Алимов Р., Камилова М., Курбанова Д. Кластерная концепция экономического развития: теория и практика. – Ташкент, 2005 г. Институт экономики АН РУз. С. 36.
20. Алимова М.Т. Худудий туризм бозорининг хусусиятлари ва тенденциялари (Самарқанд вилояти мисолида). – диссертация иши. – Самарқанд. 2017.
21. Бабкин А.В. Специальные виды туризма. – Ростов-на-Дону: Феникс, 2008. – 252 с.